ТАЛАБА ЁШЛАРДА ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ФАЗИЛАТЛАР ТУРКУМИ ҲАҚИДА

З.Азимова

В данной статье рассматривается необходимый ряд морально-этических качеств, которые должны формироваться у современных студентов.

This article discusses the necessary number of moral and ethical qualities which must be formed in the characters of modern students.

Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак” деган сўзлар билан очилади.

Китоб баркамол шахс ҳақидаги шу пайтгача мавжуд бўлган илмий мавҳумлик пардасини олиб ташлади. Энди баркамоллик биз учун фазодаги, тарихдаги ёки келажакдаги марра эмас. Талабаларимизда комил инсонга хос фазилатларни “ҳозир ва шу ерда”, маънавий-тарбиявий ишларни илмий асосга қурган ҳолда шакллантириш имкониятига ва тизимига эгамиз. Бунинг учун китобда шахсни камолотга элтувчи:

- ***фазилатлар маъносини англаш;***
- ***уларга эга бўлиш;***
- ***уларга амал қилиб яшаш***

деган учта методологик мезон белгиланди ва асослаб берилди. Зеро: “... мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олийжаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди” [1.25].

Айниқса, глобаллашув билан боғлиқ ҳолда ахлоқсизлик ғоялари кенг тарқалаётган ҳозирги даврда бунинг аҳамияти катта. Шу боис ҳам И.Каримов: “Баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда” [1.68] дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, бу ҳол мустақилликка эришган юртимизда танланган “ўзбек модели”нинг, хусусан, маънавиятга давлат сиёсатининг устувор йўналитшларидан бири сифатида қараш нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Ғарб ижтимоий тажрибасида “Олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият” йўлини тутганлар бўлди. Уларнинг бу хатоси “бой берилган авлод”- “***Lost generation”*** иборасини пайдо қилди. Тарбияда бой берилган имкониятлар бегона сиёсий-молиявий гуруҳлар фаолиятини кучайтирди. Уларга қўшилиб Интернетнинг “Одноклассники”, “Фейсбук”, “В контакте” ижтимоий тармоқлари ёшларга идеал “улашмоқда”. Оқибатда улар ўз ватанига эмас, хориж ҳаётига кўпроқ дахлдор бўлиб қолишаётир.

Мустақиллик маънавияти фарзандларимизни баркамол этувчи фазилатлар туркумини белгилаб берди. Бу туркум аждодларимиз ўгитларидан, Президент Ислом Каримовнинг замон талаблари, иқтисод, сиёсат, тараққиёт, миллий тарбия ҳақидаги фикрларидан терилган. Айниқса, “Юксак маънавият – енгилмас куч” дан: “... бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтгандан, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ор-номус, уят ва андиша, шарму-ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз...” [1.129]

Юртбошимиз асарларида бугунги замоннинг комил инсонларга хос бўлган 200 дан ортиқ фазилатлар баён қилинган. Биз контент таҳлил натижасида уларни XXI асрда Ўзбекистон ёшларида шакллантирилиши зарур бўлган энг муҳим фазилатлар деб атадик. Бу туркумни :

- юксак салоҳиятли, маънавий уйғоқ, ор-номусли, уят ва андишали, шарму ҳаёли, иболи ва иффатли, собитқадам, шижоатли, диний қадриятларни билувчи, савоб ишларни кўп қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, буюк- аждодларимиз меросини чуқур билувчи, ватанга содиқ, миллий ғурурли, юксак маънавиятли, янгича фикрловчи, Амир Темур бобомизнинг шижоат, азму қарор ва ўктамлигига эга, фидойи, юксак ҳуқуқий маданиятли, жаҳон тарихи ва мада-

нияти ютуқларини чуқур ўрганган, мард, ташаббускор, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган, иймонли-эътиқодли, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, ҳимоя қила олувчи, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай ҳимояловчи, сахий, ўз мустақил фикрига эга, меҳр-оқибатли, ғоявий ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган, ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрловчи, мустақиллик даврида эришган ютуқларимизни давом эттиришга қодир, билимли ва истеъдодли, меҳнатсевар, тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган, ғайрат-шижоатли, иродали, қатъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол, замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топган, огоҳ, ҳушёр, муносиб даромад топувчи, юқори малакали, маъсулиятли, етук мутахассис, каби фазилатлар ташкил этди. Бугуннинг комил инсонларига Ўзбекистон қўяётган талаблар, бир томондан, юксак ривожланган давлатлар билан ҳамоҳанг эканлиги, иккинчи томондан, маънавият ва интеллект устуворлиги билан ажралиб туради. Яъни фарзандларимизда интеллектуал ривожланганлик, замон талабларига мос тайёрлик, юксак маънавият, ахлоқий соғломлик, жисмоний чиниққанлик, мустақиллик идеалларига чексиз садоқат, Ватани ва халқига содиқлик, миллий ўзлигимизга ёт ғоя, қарашларга муросасизликни мужассам этиш тақозо этилмоқда.

Мана шу фазилатларнинг бирортаси суст бўлса, уйғунлик бузилади. Масалан, ахлоқи пок, жисмонан кучли бўлса-ю, интеллектуал ривожланмаган бўлса; ёки интеллектуал, жисмонан кучли бўлса-ю, мустақиллик идеалларига содиқ бўлмаса, бундай шахсни Комил инсон деб бўладими? Асло. Шу маънода биз талабаларнинг маънавий сифатларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб туркумлаштирганимизда, қуйидаги манзара намоён бўлди:

Ахлоқ ва одобга доир сифатлар	**Билимдонликка доир сифатлар**	**Иймон-эътиқодга доир сифатлар**	**Маданиятлиликка доир сифатлар**
Маънавий уйғоқлик, эзгулик, ҳамдардлик, хайрихоҳлик, ватанпарварлик, шафқатлилик, самимийлик,сахийлик, софдиллик, садоқатлилик, камтарлик, андишалилик, мулойимлик, хушмуомалалик, шарм-ҳаёлилик, ғамхўрлик, меҳрибонлик, дўстлик ва мардлик, шижоатлилик, интизомлилик муҳаббатлилик ва б.	Билимлилик, илмга интилувчанлик, юксак салоҳиятлилик, оқиллик, зукколик малакалилик, маҳоратлилик, моҳирлик, истеъдодлик, тажрибалилик, теранлик, зийраклик, уқувлилик ва б.	Диёнатлилик, эътиқодлилик, виждонлилик, ихлослилик, инсофлилик, адолатлилик, одиллик, инсонпарварлик, ҳалоллик, мақсадлилик, интилувчанлик, иффатлилик, савобталаблик, ҳақгўйлик, назари тўқлик, ҳақиқатпарварлик, хайрихоҳлик, ҳимматлилик, кечиримлилик ва б..	Идроклилик, некбинлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, ишчанлик, одамшавандалик, миллий ғурурлилик, миллатпарварлик, толерантлик, байналмилаллик, яратувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, бағрикенглик ва б.

Шундай қилиб, баркамол авлодни кўриш Соҳибқирон Амир Темур тузукларидан, Алпомиш, Гўрўғли достонларидан, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий девонларидан “чиқиб”, тарбиявий иш дастуримизга айланди. Бунга эришиш ўз-ўзидан кечмади. Аввало, қонунлар шу буюк мақсадга йўналтирилди. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бюджет маблағларининг катта қисми энг яхши инвестиция – Комил инсонларни етиштиришга ажратилмоқда.Фақат билимнинг ўзи бизни юксак марраларга олиб чиқа олмайди. Яхши тарбия кўрмаса, одам билимини ўз фойдасига, ватани, миллатининг эса зарарига ишлатиши мумкин. Шунинг учун талабаларга маънавий хислатларга, ахлоқ нормаларининг моҳиятига жиддий муносабатда бўлишни ўргатиш лозим. Улар ўзлари ҳам айнан талабалик даврида ахлоқий категориялар мазмунини чуқур англай бошлайдилар. Ҳар қайси ахлоқий тушунчанинг нозиклиги ва кўп маънолилигини билишга ҳаракат қилишади. Бурч, виждон, ғурур, қадр-қиммат, фахрланиш, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни чуқур таҳлил қила оладилар. Лекин уларнинг барчаси ҳам бу ахлоқий тушунчаларни яхши англайдилар деб бўлмайди. Шунга кўра тўғри ахлоқий қарашлар, тасаввурлар таркиб топиши учун адолатли турмуш тарзинининг ўзи етарли дейиш мумкин эмас ва бу борада, педагоглар, ота-оналар, жа-

моатчилик ҳотиржамликка йўл қўймаслиги, соғлом муҳит яратишлари, комил инсонни шакллантириш учун доимо изланишлари зарур.

Мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётида раҳбар кадрлар маънавияти алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозир олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар олий маълумотли мутахассис ва кўпчилиги кейинчалик катта-кичик лавозимларни эгаллайдилар. Демак, уларнинг олий ўқув юртларида шакллантирилган маънавияти, мафкураси раҳбар кадрлар қабул қилаётган қарорларда, уларнинг давлат, миллат тараққиётига қўшадиган ҳиссаларида у ёки бу даражада намоён бўлади. Миллий мустақиллигимизнинг илк йилларида бу маънавий-сиёсий муаммо яққол намоён бўлди.

Социологик-педагогик сўров натижалари олий таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиянинг мавжуд мақсади, вазифалари мустақил Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган давлатиларидан бирига айлантиришнинг педагогик кафолатини яратишга у қадар тайёр эмаслигини; шунинг учун ҳам тарбия тизими тубдан ислоҳ қилиниши – ҳам миллий, ҳам замонавий Ўзбекистон фуқароларини – ватанпарварларини шакллантиришга йўналтирилиши лозимлигини, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатпарварлик, хушёрлик, виждонлилик, инсонпарварликни шакллантирмай туриб Ўзбекистонни жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан бирига айлантириб бўлмаслиги кўрсатди.

Ҳар қандай фазилатни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири – ана шу фазилат ҳақида талабаларда тушунча, билимнинг мавжудлиги ҳисобланади. Акс ҳолда, бу фазилатлар шахс ҳулқ-атворида намоён бўлмайди, намоён бўлса-да, англамаганлиги туфайли ўткинчи характерга эга бўлиб қолади. Иккинчидан, фазилат ҳақида тушунча, билимнинг тарбияланувчи онгидаги даражасини қайд қилиш лозим. Чунки бунда биз кўрсатаётган тарбиявий таъсир, таълим мазмуни талаба томонидан қандай ва қай даражада қабул қилинаётгани, бу ишда нималар такомиллаштирилиши ва нималар тузатилиши кераклиги аниқланади.

XXI асрда жамиятимиз талабаларда ижобий сифат ва фазилатларнинг намоён бўлишини ва салбий сифатларнинг бартараф қилинишини истайди. Бу бевосита сифат ва фазилатлар, мезонлар, талаблар масаласи демакдир. Табиат ва жамиятда ҳар бир предмет, ҳодиса муайян илмий таърифга эга. Худди шунингдек, ижобий сифат ва фазилатларнинг ҳам муайян таърифини англамай туриб, уларни шакллантиришга киришишнинг самараси бўлмайди. Замонавий педагогика бу борада кескин ислоҳотлар заруратини пайдо қилди. Бу эса, ўз навбатида, талабанинг ватанпарварлиги, талабанинг инсонпарварлиги, талабанинг виждонлилиги каби фазилат мезонларини илмий асослашни талаб қилади.

Талабанинг ватанпарварлиги – Ўзбекистонни ягона Ватан сифатида билиш ва севиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрлик, Ўзбекистон тарихини, маданий меросини ҳурмат қилиш, унга қизиқиш, истиқлолга садоқат, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонч, республика манфаатларини шахсий, гуруҳий, маҳаллий, ҳудуддий манфаатлардан устунлигини англаш ва намоён қилиш демакдир.

Инсонпарварлик адолат, шафқат, меҳрибонлик, саҳоват, кишиларга одамийлик, олийжаноблик бахш этиш демакдир. Зеро, “Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди. Маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихининг ўйини ҳам, омонсиз жангу-жадаллари ҳам, табиий офат ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир” [2.66].

Ўзбекистон ватанпарварлиги ўзбек йигит ва қизларидан алоҳида фидоийликни, масъулиятни, ватан тақдирига онгли муносабатни талаб қилади. Виждонлилик эса юқоридаги фазилатларни шакллантиришнинг ишончли кафолатини, яъни, билим – сўз – хатти-ҳаракат бирлигини таъминлайди, назорат қилади.

Талабаларда ижобий сифат ва фазилатларни шакллантириш учун шу хислатларнинг психологик тузилмасини тушуниб етиш керак. Шахс психологик тузилмаси ҳар бир хислатлар учун турлича бўлади. Бундан ташқари, ўша хислатларнинг шаклланганлик даражаси турли шахсларда турлича бўлиши табиийдир. Муносабатда иштирок этаётган талаба қай пайтда ижобий хислатни, қай пайтда иллатларини намоён этади? Бу жараён, албатта, бирон-бир ижобий хислат нечоғлик мустаҳкам одатга айланганлигига, ҳар томонлама шаклланганлигига боғлиқ. Масалан, талаба инсонпарварликни тушуниб етиши мумкин, лекин шу талаба инсонпарварликни бир ҳолатда қўллайди, иккинчи ҳолда шу талабанинг ўзи қўполлик, зўравонлик кўрсатиши мумкин. Фақатгина инсонпарварлик тушуниб етилиб, ҳаётда бир неча бор қўлланилгандагина у шахсий хислатга айланади, акс ҳолда тушунча ҳолида кетиб, айрим пайтда қўлланилди, кўп ҳолларда эса умуман тес-

кари натижа беради. Шу маънода характердан мустаҳкам жой олган, одат тусига кирган, турли ўзгарувчан шароитларда ҳам бир хилда намоён бўладиган хислатга шахсий хислат деса бўлади. Агар инсонпарварлик одатга айланган бўлса, шахс инсонпарварлигини нафақат одатий шароитларда, балки ностандарт, масалан, унинг ўзига қўполлик, дағаллик, зўравонлик қилинган ҳолларда ҳам намоён этаверади. Шунинг учун ҳам олий таълимнинг устувор вазифаси ижобий сифат ва фазилатларни шакллантириш, бу фазилатларни авайлаб-асраш, мустаҳкамлаш ва уларни шахсий хислатларга ўтказишдан иборат.

Психологик нуқтаи назардан шахсий муносабатлар эҳтиёжлар, билим, иқтидор ва кўникмалар, изчил ишончлилик, одатлар ва шахснинг иродалилиги каби жиҳатларни ўз ичига олади. Масалан, инсонпарварлик тузилмасини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1) шахсда доимо мехрибонлик, саҳоват, одамийликка эҳтиёжининг бўлиши;

2) инсонпарварлик меъёри ва қоидаларини билиши;

3) шу меъёр ва қоидаларни ҳақиқатда қўллаш кераклигига қатъий ишонч ва шунга интилиш ҳисси;

4) инсонпарварликни қўллаш кўникма ва малакаларини чуқур эгаллаган бўлиши;

5) шахс зўравонлик, худбинлик ҳолатларига дуч келганда ҳам сабр-тоқат билан инсонпарварликни ўзида сақлаб қолиш хусусияти.

Худди шу тузилмани инсонпарварликдан бошқа сифат ва фазилатларни шакллантириш бўйича ҳам ишлатиш мумкин.

Энди юқорида келтирилган тузилмага асосан инсонпарварликни шакллантириш жараёнини лойиҳалаш мумкин:

1) талабаларда инсонпарварликка эҳтиёжни шакллантириш;

2) талабалар инсонпарварлик ҳақидаги билимларни эгаллаши мақсадида уларни актив билиш фаолиятига жалб қилиш, уларда аниқ тасаввур, чуқур ишонч ҳосил қилиш;

3) фазилатлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни машқ, қайтариш, такрорлаш йўллари билан амалий шакллантириш;

4) шаклланган фазилатлар устуворлигини таъминлаш мақсадида турли табиий ва сунъий шароитларда шаклланаётган фазилатнинг шахсий фаолиятга айланиши бўйича учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш, ирода кучини чархлаш, тоблаш.

Ҳар қандай тарбиявий фаолиятнинг самарадорлиги, илмийлиги унинг аниқ мезонларга асосланишига боғлиқ. Бунинг учун Ўзбекистоннинг педагогика фанига бераётган тарбиявий бюртмаси асослаб олинмоғи керак. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон педагогикасида илмий ўрганилмаган, талабаларимизда шакллантирилиши зарур бўлган фазилатларни белгилаш, илмий асослаш зарур. Биз талабаларда шакллантирилиши зарур бўлган фазилатларни баҳолашнинг тўртта даражасини ишлаб чиқдик, қуйида мисол тариқасида иккита фазилатни баҳолаш мезонларини келтирамиз:

Ватанпарварлик

Юқори даража

Ватани Ўзбекистон ҳақида тасаввурлари кенг. Ёлғиз Ватани Ўзбекистон эканлигини эътиқодга айлантирган; юртининг келажаги буюклигига сўзсиз ишонади; мамлакатимизда содир бўлаётган муҳим воқеаларни яхши билади; Ўзбекистон ва унинг буюк фарзандлари билан фахрланади; Ўзбекистон ватанпарварлиги моҳиятига эга бўлган тадбирларда кўнгилли равишда иштирок этади; ўлка табиатини эъзозлайди, бу ишга бошқаларни ҳам чорлайди; ўзини Ўзбекистон ҳимоясига тайёрлай боради; Ўзбекистон тарихи, келажагига бефарқлик, уни севмаслик ҳолларини учратса, муросасозлигини намоён қилади.

Ўрта даража

Ўзбекистан тарихи, ҳозирги ҳаёти ҳақида тасаввурларга эга; Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонади; республикамизда содир бўлган муҳим воқеалар, тарихий сиймолар хизматлари, миллат шонига шон қўшган кишилар ҳақида билимларга эга; ўлка табиатини авайлайди; ҳарбий-ватанпарварлик малакаларига эга; ижтимоий фаол; Ўзбекистонга бефарқлик ҳолларини қоралайди; ўз келажаги унинг келажаги билан бирлигини тушунади.

Паст даража

Ўзбекистоннинг тарихи, ҳозири ва келажаги ҳақида мустақил фикрга эга эмас; республика ҳаётига оид муҳим воқеаларни билмайди; табиатга бефарқ; ижтимоий фаолиятда суст; ватанга бефарклик ҳолларини англамайди.

Салбий даража

Ўзбекистоннинг ҳаёти, тақдири билан қизиқмайди, бу ҳақда ўйламайди; табиатни, атроф-муҳитни бемалол ифлослаштираверади; ўзини ватан ҳимоясига тайёрлашдан олиб қочади; Ўзбекистон ватанпарварлигининг намоён бўлиш ҳолларини қабул қилмайди ёки бунга истеҳзоли муносабатда бўлади.

Миллий ғурур

Юқори даража

Ўзининг етти пуштини, миллий фарзандлик бурчларини чуқур англайди; ўзбек халқига, унинг санъати, анъаналари, тили ва маданиятига ҳурматини доимо ва ҳамма ерда намоён қилади; миллат тарихи, алломалари ҳақида чуқур билим ва миннатдорликни намоён этади; манқуртлик, миллий мажҳуллик,

халқ тарихи ва тақдирига бефарқликни кўрганида, миллатдошларини бундан қайтаришга ҳаракат қилади; «ўзбекчилик»нинг барча илғор кирраларини тараққийпарварлик билан уйғунлаштира олади.

Ўрта даража

Ўзининг ўзбек халқи олдида фарзандлик бурчи борлигини англайди; ўзбек халқини, тилини, маданиятини, санъатини ҳурмат қилади; халқи тарихи, алломалар меросини билади, ҳурмат қилади; манқуртлик, миллий мажҳуллик, миллат тарихи ва тақдирига бефарқликни қоралайди; ўзининг миллий масъулиятини англайди.

Паст даража

Ўз халқи олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилмайди; халқ санъати, тарихи, маданияти, тили, алломалари меросига эътиборсиз; манқуртлик, миллий мажҳуллик ҳолларига, она халқи тарихи ва тақдирига бефарқ; «ўзбекчилик»нинг илғор жиҳатларидан бехабар ва унга қизиқмайди.

Салбий даража

Халқ олдидаги ҳар қандай бурч, масъулиятни инкор қилади; ўзбек халки тарихи, санъати, тили, алломалари меросига беписанд муносабатда бўлади; миллий мажҳулликни, она халки тарихи ва тақдирига бефарклик ҳолларини англамайди, бошқа миллат миллийлигини ўз миллий қадриятларидан кўр-кўрона устун қўяди; ўзга маданиятлар салбий намуналарига кўр-кўрона таклид килади ва буни турли йўллар билан намоён килади.

Олий таълим амалиётида таълим жараёнига кўпроқ диққат қаратилади. Бу эса тарбиявий ишларни эътибордан четда қолдирмоқда. Тарбиявий ишларни моҳирона ташкил этмай туриб, таълим ислоҳотларини амалга ошириб бўлмайди. Педагог тарбиявий иши сифатини баҳолаш мезонларининг ноаниқлиги, натижаларнинг ҳақиқатдан йироқлиги кўп ҳолларда тарбиявий жараёнда муаммоларни юзага келтирмоқда. Талабага нисбатан тарбиявий таъсирни педагогик назорат қилиш, шунингдек, ҳар бир педагог ҳамиша ўз тажрибасини умумлаштириши ва таҳлил қилиши зарур.

Таълим олувчиларнинг турли сифатларини аниқлашнинг ҳеч бўлмаганда оддий методикасини эгаллаш, билиш касбий педагогик тайёргарликнинг муҳим элементларидан биридир. Ўқув масканлари ўқитувчилари кўпроқ талаба-ёшларнинг ақлий қобилиятларини ўрганишга эътиборларини қаратишади, аммо уларнинг тарбияланганлик даражаларини (кенг маънода) ва хулқидаги мавжуд нуқсонларни коррекциялаш муаммоларини узлуксиз таълим тизимида ягона узвийликда ва яхлитликда қарашга, мазкур муаммолар ечимларини топишга уринмайди. Талабаларнинг ақлий ривожланиши, мустақил фикрлаши, умумий тарбияланганлик даражасининг ўсиши билан боғлиқдир. Шунинг учун уларнинг ижобий сифат ва фазилатларини баҳолаш мезонларини билиш, маънавий-маърифий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Олий таълим тизимида талабаларда ижобий фазилатларни шакллантириш жараёни режа асосида, тизимли ва мақсадли олиб борилса, комил инсонни тарбиялашдек асрлардан бери азалий орзуни амалга ошириш истиқболлари кенгаяди.

Ҳар қандай тарбиячи, биринчи навбатда, ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсаднинг муҳимлигини тушуниши керак. Қандай одамни тарбия қилиш лозим, тарбия натижасида инсон қандай бўлиши керак, деган саволларни аввалдан тасаввур этиш зарур. Бунинг учун олий таълимда ҳар бир профессор-ўқитувчининг тарбия ишларини талаб даражасига кўтариш, тарбия жараёнини ўрганиш, қайд қилиш, баҳолашнинг кўникма ва малакаларига эга бўлиши талаб этилади. Ҳар қандай тарбиявий фаолиятнинг самарадорлиги эса унинг аниқ мезонларга асосланишига боғлиқ. Шундай экан, замонавий педагогика зиммасига жаҳон педагогик тафаккури ютуқлари ва миллий педагогика анъаналарига асосланган ҳолда тарбиявий фаолиятнинг мезонларини илмий асосда ишлаб чиқишдек долзарб вазифа тушади.

Адабиётлар:

1.Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1992
3. Маҳкамов.У. Ахлоқ-одоб сабоқлари.- Т.: Фан, 1994

Андижон давлат университети,
2012 йил 14 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)